

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:330.1(584)(09)

РАХИМОВ РУСТАМЖОН КАРИМОВИЧ

**ЖАДИДЛАР ИҚТИСОДИЙ ҒОЯЛАРИ ВА
УЛАРНИНГ БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ**

08.00.01 – “Иқтисодий назария”

Иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2010

Диссертация Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори
Муфтайдинов Қиёмиддин Ҳамдамович

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Ҳасанов Рустам Раббимович

иқтисод фанлари доктори
Ташматов Шухратджан Ҳамраевич

Етакчи ташкилот: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети

Ҳимоя Тошкент молия институти ҳузуридаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.60.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2010 йил «__» _____ соат ____ да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000. Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси 60-А уй.

Диссертация билан Тошкент молия институти кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2010 йил «__» _____ да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, география фанлари
номзоди, доцент**

Ш.А. Азимов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз кенг қамровли, ўзгаришларга бой, тарихий ва яратувчанлик даврни бошидан кечирмоқда. Бу давр иқтисодий муносабатлар тизимига, кўп укладли иқтисодиётга асосланган, мустақил миллий иқтисодиётни барпо этиш даври деб ҳаққоний баҳоланмоқда. Бозор муносабатларини такомиллаштириш зарурияти тамомила янгича иқтисодий фикрлашни шакллантиришни ғоят долзарб вазифага айлантириб қўйди. Шунинг учун Президентимиз И.А. Каримов “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” номли асарида бу масалани иқтисодиётни ислоҳ қилиш соҳасида стратегик мақсадлардан бири деб таъкидлаб, қуйидагиларни ёзади: “Кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шакллари мустақил белгилаш имконини бериш керак”.¹

Янгича иқтисодий тафаккурни шакллантиришда ўзбек халқига ўрганиш учун арзигулик илмий асослар мавжуд. Яъни, жадидларнинг илмий меросидан миллий истиқлолни мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизни раванқ топтириш, халқимизнинг янги жамият қуриш йўлидаги вазифаларни амалга оширишда йўриқнома сифатида фойдаланиш мумкин.

Президентимиз И.А.Каримов ўз асарларида фидойи жадидларимиз ҳаёти биз учун ўрнак, ёшларни истиқлол, ватанпарварлик, миллатпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгаллиги, уларнинг босиб ўтган кураш йўлини ўрганиш бугунги тараққиётимиз учун бебаҳо манба бўлиб хизмат қилишига эътиборни қаратиб, "...чоризм мустамлакаси даврида маърифат ғоясини баланд кўтариб чиққан жадид боболаримизнинг фаолияти бунга яна бир ёрқин мисол бўла олади. Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби юзлаб маърифатпарвар, фидойи инсонларнинг ўз шахсий манфаати, ҳузур-ҳаловатидан кечиб, эл - улус манфаати, юртимизни тараққий топтириш мақсадида амалга оширган эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло ўчмайди",² -деб ёзади.

Жадидчилик ҳаракати миллий мафкура, миллий ғоя, миллий иқтисодиётнинг шаклланиш тарихини ўрганишда муҳим илмий манбалардан биридир. Жадидларнинг илмий мероси ва унинг тарихий, маданий-маърифий, ижтимоий - сиёсий аҳамияти тарихчилар, адабиётшунослар, ҳуқуқшунослар томонидан тадқиқ этилиб келинаётганини қайд этган ҳолда таъкидлаш кераки, уларнинг иқтисодий қарашлари, жамият ҳаётини янгилашга доир илмий-назарий ғояларининг бугунги миллий тараққиётимиз учун аҳамияти чуқур ва кенг қамровли тарзда тадқиқ этилмаган. Шу нуқтаи назардан мустақиллигимиз

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.–Т.:“Ўзбекистон”,1995. – Б.18.

² Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.:“Маънавият”, 2008. - Б. 49.

фидойилари бўлган жадидларнинг иқтисодий меросини ўрганиш бугунги кунда илмий аҳамиятга эга, долзарб тадқиқот бўлиб ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жадидлар фаолиятини ўрганиш бўйича бош ғоявий асосчи, унинг ташаббускори Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Абдуғаниевич Каримовдир. Шу боис, мазкур масала юртбошимизнинг кўплаб асарларида, маърузаларида кўтарилди ва таҳлил қилинди.

Жадидчилик ҳаракатига бағишланган адабиётшунос ва тарихчи олимларнинг қатор илмий ишлари мавжуд. Жадидчилик ҳаракатининг моҳиятини очиб беришда адабиётшунос олимларимиздан О.Шарафиддинов, Б.Қосимов, Ш.Ризаев, А.Алиев, Д.Қуронов ва бошқаларнинг³ илмий тадқиқотлари муҳим ўрин тутди.

XIX аср охири XX аср бошларидаги Туркистон миллий – озодлик ҳаракатини, хусусан, жадидчилик ҳаракати тарихини ёритиб беришда ҳуқуқшунос ва тарихчи олимларимиз ҳам талайгина ишлар қилганлар. Бу ўринда С.Аъзамхўжаев, Д.Алимова, Р.Абдуллаев, Ҳ.Зиёев, Р.Шамсуддинов, Ҳ.Узоқов, С.Холбоев ва бошқалар⁴ жиддий изланишлар олиб борганликларини алоҳида қайд этмоқ лозим.

Жадидчилик ҳаракатини ўрганишда хорижлик олимлар томонидан чет элларда яратилган асарлар, эсдаликлар, мақолалар ҳам катта ўрин тутди. Уларнинг баъзилари бугунги кунда юртимизда ҳам чоп этилди.⁵ Бу манбалар тарихий воқеликни акс эттиришда сиёсий тазйиқларсиз, мафкуравийлаштиришдан ҳоли ҳолда ёзилгани билан ҳам қадрлидир.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, шу вақтга қадар жадидчилик ҳақидаги илмий-тадқиқотлар аксарият ҳолларда адабиётшунослар, тарихчилар, ҳуқуқшунослар қаламига мансуб бўлиб, уларда жадидлар фаолиятининг фақат маданий, маърифий, ижтимоий, сиёсий томонлари таҳлил қилинган. Уларнинг иқтисодий қарашлари илмий асосда ўрганилган бирон бир жиддий тадқиқот мавжуд эмас. Жадидлар иқтисодий қарашларининг янгиланаётган иқтисодий тафаккур ва дунёқарашга таъсири, уларнинг миллий иқтисодиётнинг ривожланишидаги концептуал назарий масалалар ечимидаги ўрни каби долзарб

³ Шарафиддинов О. Истиклол фидойилари. –Т.:“Шарқ”, 1993. 144 б.; Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. Т.:“Маънавият”, 2002. 400 б.; Ризаев Ш. Жадид драмаси.–Т.:”Шарқ”, 1997.320 б.; Алиев А. Истиклол ва адабий мерос. –Т.: “Ўзбекистон”, 1997. 272 б.; Қуронов Д.Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. – Т.:”Ўқитувчи”, 1997. 80 б.

⁴ Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти: Миллий–демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси –Т.: “Маънавият”, 2000. 168 б.; Алимова Д. Файзулла Хўжаев ва жадидчилик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. –Т.: 1996.-7 июнь.; Абдуллаев Р. Миллий –сиёсий ғоялар тарихидан // Инсон ва сиёсат. –Т.: 1991.- № 9. – Б. 87-94.; Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш:(XVIII-XX аср бошлари) –Т.: “Шарқ”, 1998. - 480 б.; Шамсуддинов Р. Жадидчилик ҳақиқат ва уйдирма // Мулоқот.–Т.: 1991. - № 11.-Б. 19-20.; Узоқов Ҳ. Матбуот ва миллий истиқлол // Халқ таълими. –Т.: 1995. - № 5-6. – Б. 1-12.; Холбоев С. Бухоро амирлигининг олтин хазиnasi (тарихи, тақдири, таҳлили) –Т.: “Фан”, 2008. 180 б.

⁵ Исмоил Шайх ўғли Ш. Я. Туркистоннинг аччиқ ҳақиқатлари. – Истамбул: 1984. – Б. 173 (араб алифбосида) Prof. Dr.Tohir Gagatay. Kizil imperyalizm. III. –Ankara: Ayuyildiz matbaasi, 1967.-80 p; Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. –Т.: “Маънавият”, 2001. – Б. 72; Валидий (Тўғон) А.З.Хотиралар // Шрақ юлдузи. –Т.: 1993. - № 7-8-9. – Б. 164-178. ; Мустафо Чўкай ўғли. Истиклол жаллодлари (1917 йил хотиралари). – Т.: “Ғафур Ғулом номидаги адабиёти ва санъат нашриёти”, 1992. - Б. 80.

муаммоларнинг кам ўрганилганлиги ушбу мавзунини иқтисодий тадқиқотлар ва изланишлар соҳасида янги йўналиш сифатида тадқиқ этиш заруриятини келтириб чиқарди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: жадидлар иқтисодий ғояларининг бозор муносабатларини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаш, уларга оид илмий хулосалар ва амалий таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Диссертациянинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда ишда, қуйидаги вазифалар белгиланди:

- XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни таҳлил қилиш ва жадидлар иқтисодий ғояларининг вужудга келиш сабабларини аниқлаш;

- бозор муносабатларини ривожлантиришда жадидлар иқтисодий ғояларининг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш;

- жадидчилик маърифатида миллий иқтисодиётни тиклаш ва такомиллаштириш масалаларини асослаш;

- жадидларнинг иқтисодий ғоялари асосида иқтисодий ўсиш нуқтаи назаридан хом ашё экспортини камайтириш ва тайёр ҳолдаги товар экспортини кўпайтириш иқтисодий ўсиш асоси эканлигини тарихийлик ва замонавийлик уйғунлиги асосида ёритиш;

- жадидлар иқтисодий фаолиятининг таҳлили асосида бозор муносабатларини шакллантириш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш истиқболларини аниқлаш;

- аграр иқтисодиёт самарадорлигини ошириш ва миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатларини жадидлар ғоялари орқали кўрсатиб бериш;

- тадбиркорлик бозор иқтисодиётининг кучли унсурларидан бири сифатида ўзбек миллати менталитетига хос эканлигини кўрсатиб бериш;

- рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш мустақил иқтисодиётни яратиш воситаси эканлигини жадидлар илмий-назарий қарашлари асосида ақс эттириш;

- бозор муносабатларини шакллантиришда банклар фаолиятининг ўрни ва аҳамиятини жадидларнинг қарашлари орқали таҳлил қилиш.

Тадқиқот объекти: жадидлар қарашларида Туркистон ўлкасидаги иқтисодий тараққиёт муаммолари талқини ва уларни миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни.

Тадқиқотнинг предмети жадидлар иқтисодий ғояларининг вужудга келиши ва ривожланиши ҳамда уларнинг бугунги бозор иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамиятини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот жараёнида тарихийлик, мантиқийлик, илмий абстракция, қиёсий таҳлил, иқтисодий-статистик таҳлил каби усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот гипотезаси: жади́длар иқтисодий ғояларини ўрганиш ва унга доир янгича концептуал назарий ёндашувларни шакллантириш орқали Ўзбекистонда бозор муносабатларини янада такомиллаштириш истиқболларини белгилашга имкон беради.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар қуйидагилардан иборат:

- жади́дларнинг иқтисодиёт, ислоҳот лойиҳалари, ихрож ва аъмол саноати тушунчаларига оид фикрлари илмий таҳлил этилди ва уларнинг бозор муносабатларини ривожлантиришдаги аҳамияти кўрсатиб берилди;

- жади́длар иқтисодий қарашларида аграр иқтисодиёт самарадорлигини ошириш масаласи очиб берилди;

- жади́дларнинг савдо-тижорат ишларини илмий асосда ташкил этиш ҳақидаги ғоялари тадқиқ этилди;

- жади́дларнинг тадбиркорлик ҳақидаги ғояларининг концептуал назарий асослари ёритиб берилди;

- хориж сармоясини жалб этиш– миллий тараққиётнинг кучли омили эканлиги асосланди;

- бозор муносабатларини шакллантиришда банклар фаолиятининг ўрни ва аҳамияти жади́длар қарашлари орқали ёритиб берилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқот натижаларидаги илмий янгиликлар қуйидагиларда ўз аксини топган:

- жади́длар иқтисодий ғояларининг бозор муносабатларини ривожлантиришдаги аҳамияти илмий асосланган;

- Ўзбекистон иқтисодиётининг мустамлакачилик давридаги ижтимоий-иқтисодий ҳолати таҳлил қилинган ва ўша даврда мавжуд бўлган муаммолар ўрганилган;

- жади́дларнинг миллий хўжаликнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашмасдан иқтисодий тараққиётга эришиб бўлмаслиги ҳақидаги ғояларининг миллий тараққиёт учун аҳамияти илмий таҳлил қилинган ва уларнинг бугунги кундаги долзарблиги кўрсатилган;

- жади́дларнинг Туркистон табиий ресурсларни саноат асосида қайта ишлаш орқалигина ривожланиши мумкинлиги тўғрисидаги ғояларининг хозирги даврдаги иқтисодий ислоҳотлар жараёнида муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этиши тавсифланган;

- жади́дларнинг иқтисодий ғоялари ва уларнинг бозор муносабатларини ривожлантиришдаги илмий аҳамиятидан келиб чиқиб, улардан илмий адабиётлар ва дарсликлар тайёрлашда, ёш авлоднинг иқтисодий тафаккурини шакллантиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида олинган илмий хулосалар ва амалий таклифларнинг аҳамияти мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, аграр иқтисодиёт, банклар фаолияти, фермер хўжаликларини ривожлантириш муаммоларини чуқур таҳлил этишга бағишланган илмий-тадқиқот ишларида манба сифатида

қўлланилиши билан белгиланади. Диссертация иши материалларидан олий ўқув юртларида “Иқтисодиёт назарияси”, “Иқтисодий таълимотлар тарихи”, “Тадбиркорлик ва кичик бизнес асослари”, “Иқтисодий тарбия назарияси” ва “Замонавий иқтисодий таълимотлар” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари ва амалий таклифлари Ўзбекистон Республикаси Савдо – саноат палатаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси (2008 йил 15 октябрдаги 15/09-сонли далолатнома), Андижон вилояти иқтисодиёт Бош бошқармаси (2008 йил 20 октябрдаги 20/12-сонли далолатнома) ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Андижон ҳудудий ахборот – таҳлил маркази (2010 йил 24 августдаги №2 сонли маълумотнома) томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган. Тадқиқот материаллари Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтида “Иқтисодиёт назарияси”, “Иқтисодий таълимотлар тарихи”, “Иқтисодий тарбия назарияси” фанларини ўқитишда фойдаланилмоқда (2010 йил 12 январдаги № 115-сонли далолатнома).

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот жараёнида олинган илмий ғоялар ва амалий натижалар муаллиф томонидан қуйидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён қилинган ва маъқулланган:

“Ўзбек халқи миллий-озодлик ҳаракатининг тарихий муаммолари. Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва ютуқлари (1867-2001 йиллар)” (Андижон, 2001), “XXI аср фани: муаммолар ва ечимлар” (Андижон, 2003), “Қишлоқ хўжалигида қўлланилаётган машина қисмларини тиклаш ва чидамлилигини оширишда металл куқунларидан фойдаланиш” (Андижон, 2003), “Қува (Қубо) асрлар нигоҳида” (Фарғона, 2006), “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашда таълим, фан ва ишлаб чиқариш бирлиги” (Андижон, 2009), Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти ташкил топганлигининг 15 йиллигига бағишланган “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида республика иқтисодиёти муаммолари ва ечимлари” (Андижон, 2010).

Диссертация иши Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти, Тошкент молия институти ҳузуридаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида Д.067.60.01 рақамли Бирлашган Ихтисослашган кенгашининг 08.00.01 – “Иқтисодий назария” ихтисослиги бўйича илмий семинари мажлисида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадиқиқот ишининг натижалари бўйича умумий ҳажми 2,0 босма табоқдан иборат 10 та илмий мақола ва маъруза тезислари нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот ҳажми 148 бетдан иборат бўлиб, 12 та жадвал ва 4 та расми мужассамлаштирган.

ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Туркистонда XIX аср охири ва XX аср бошидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва муносабатлар жадиждларнинг иқтисодий ғояларида биринчи марта таҳлил қилинган. Жадиждлар иқтисодий ғояларида иқтисодий илмни ўрганиш зарурлиги, ихрож ва аъмол саноати, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар масаласи, иқтисодиётга хорижий сармояларни, илғор техника-технологияларни жалб этиш, Туркистонда банклар фаолиятининг ўрни ва аҳамияти, савдо-тижорат ишларини илмий асосга қуриш, тадбиркорлик, аграр иқтисодиёт самарадорлигини ошириш масалалари катта ўрин тутди. Булар М.Бехбудий, А.Фитрат, Ф.Хўжаев, А.Чўлпон, А.Авлоний, С.Миржалилов, О.Маҳмудов сингари жадиждчилардир. Уларнинг Чоризм зулми остидаги Туркистоннинг ижтимоий- иқтисодий ҳолатлари хусусидаги қарашлари чуқур тадқиқ этилди ва туркумланди (1-расм).



1-расм. Жадиждлар ва уларнинг иқтисодий ғоялари⁶

Чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиш ва унинг иқтисодий имкониятларидан фойдаланиш бўйича мақсади жадиждларнинг асарларида

⁶ Муаллиф томонидан тузилган.

далиллар асосида ўрганилган. Унинг асосий сабаби - Россия саноати тез ривожланиб бораётгани ва енгил саноат маҳсулотларини сотиш ҳамда арзон хом ашёга эга бўлиш учун ташқи бозорга тобора мухтож бўлаётгани туфайли Ўрта Осиёни ҳарбий куч билан забт этиш тарафдорларини кўпайиб борганликларидир. Мазкур масала Оренбург генерал-губернатори Кружоновский томонидан 1858 йилда рус подшосига ёзган докладидаги куйидаги фикрлар билан далиллаштирилади: “токи бу ўлкалар бизнинг ҳукмронлигимизга бўйсундирилиб, у ерларда ҳар бир сўзимиз қонун даражасига кўтарилмас экан, Ўрта Осиёда рус савдосининг кенгайиши мумкин эмас”.⁷ Чор ҳукумати Туркистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш жараёнида ва ўрнатгандан сўнг аёвсиз талончилик сиёсатини олиб бориши халқни моддий ва маънавий бойликлари талангани ва энг аянчлиси бусиз ҳам ночор турмуш кечираётган туб аҳолига солинган солиқлар миқдорининг йилдан-йилга ошиб бориши ўлка зиёлилари, хусусан, жадидларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлган. Илмий ишда 1889 йилдан 1896 йилгача мустамлака маъмурияти солиқларни 40 фоизга оширганлиги ва бу ҳолатни Чор маъмурлари куйидаги даъволар билан асослашга уринганлиги теран таҳлил қилинган.

Генерал губернатор императорга 1895-1897 йиллар бўйича берган ҳисоботида солиқларни янада кўпайтириб, ўлкадан олинадиган даромадни ошириш учун аҳолидан янги ҳарбий солиқ ундириш таклифини асослаб ёзади: “Ерли аҳоли рус ҳарбий кучи паноҳида барча рус фуқаролари ҳуқуқларидан тенг фойдаланган ҳолда ўз фаровонлигини оширмоқда,- деган эди генерал губернатор. Шу билан бирга у ҳеч қандай асосиз рус фуқаролиги берадиган катта имтиёзлардан ҳам фойдаланмоқда. Шунинг учун ҳам бундай солиқнинг жорий этилиши халққа оғир ботмаган ҳолда давлат хазинасига йилига ярим миллион рубль даромад келтиради”.⁸

Чор Россияси ўлкани босиб олгандан сўнг ўзининг пахтага бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида суғориладиган ер майдонларини кенгайтира бошлади. Чунки, АҚШда (1861-1865) фуқаролар урушининг бошланиши билан Шимолий Америкадан келтириладиган пахта хом ашёси қисқариб кетди. Натижада, Россия корхоналарида хом ашё муаммоси пайдо бўлди ва ишсизлар сони ортди. Шунинг учун ҳам чор ҳукумати асосий эътиборни Ўрта Осиёда пахта етиштиришга қарата бошлади.

Пахта етиштириш ва сотишнинг йўлга қўйилиши бошқа қишлоқ ҳўжалиги экинларини, биринчи навбатда, ғалла экинларини суғориладиган ерлардан жадал сиқиб чиқара бошлади. Буни Фарғона худуди мисолида яққол кўриш мумкин (1-жадвал).

Фарғона худудида пахта экиладиган майдонлар 30 йил ичида 3 баробардан зиёдроқга кўпайди, териб олинган пахта 1200 минг пуд (оғирлик бирлиги, ҳозир 16 кг 1 пуд ҳисобланади) дан 9277 минг пудга етди.⁹ Бу

⁷ Рожкова М.К. Экономические связи России со Средней Азией 40-60 е годы XIX века. –М.: Издательство АНСССР, 1963. - С 45.

⁸ ЎзРМДА, 1-жамғарма, 5-рўйхат, 939-иш, 13-варақ.

⁹ Масальский В.И. Богатство России – хлопок.- Санкт-Петербург. 1921. – С. 7.

Туркистон бўйича териб олинган пахтанинг 60 фоизини ташкил этар эди. Бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нисбатан бозорда пахтага талабнинг юқорилиги туфайли Фарғона минтақасининг аҳоли зич яшайдиган худудлари пахтачиликка ихтисослаша бошлади.

1-жадвал.

Фарғона дехқончилигида пахта экинни майдонининг ортиб бориши.¹⁰ (фоиз ҳисобида)

Қишлоқ хўжалиги экинлари	1885 й.	1905 й.	1915 й.
Пахта	14	17	44
Дон	26	47	27
Жўхори	22	16	11
Шоли	16	8	7
Беда	15	8	8
Бошқа экинлар	7	4	3
Жами	100	100	100

Тадқиқот ишида жадидларнинг диққат эътиборини тортган ўлкадаги иқтисодий муаммолар, саноат ва қишлоқ хўжалиги ривожига масалалар таҳлилидан келиб чиқиб, қатор тарихий манбалар асосида ўша даврдаги Туркистондаги пахтачилик ва пахта саноатидаги ўзгаришлар тадқиқ этилган, ўша давр олимлари асарларига мурожаат қилинган. Жумладан, А.П.Демидовнинг маълумотларига кўра, 1914 йили Фарғона худудининг пахтачилик уездидаги 86 волостдан 54 таси ўз ерларининг 50 фоиздан зиёдида пахта экишган. Шулардан 8 таси барча ерларга (қарийб 100 фоиз), 10 таси $\frac{4}{5}$ қисмига, 16 таси $\frac{3}{4}$ қисмига қолган 20 та волост эса экин майдонининг 50 фоизига пахта экишган. Каспий олди худудида ҳам пахтага эътибор кучайган. Масалан, Марв уездида барча экинларнинг 25,8 фоизини, Ашгабад уездида эса 14,3 фоизни пахта ташкил қилган.¹¹

2-жадвал.

Туркистонда пахта майдони ва ҳажмининг ортиб бориши¹²

Йиллар	Пахта майдони (десятина ҳисобида)	Олинган пахта (пуд ҳисобида)
1887	61300	10000
1893	136300	-
1895	-	3273300
1899	300000	5757900
1903	-	7000000
1907	-	8227000
1908	-	10870000
1910	380000	13588000
1911	425200	12997000
1912	430000	14000000

¹⁰ Валиев А.Х. Положение дехканства Ферганы в конце XIX – начале XX веков. – Т.: Госиздат УзССР. 1958. – С. 27.

¹¹ Демидов А.П. Экономические очерки хлопководства, хлопковой торговли и промышленности. Изд. 2-с, –Т.: 1926. – С. 56.

¹² Оглоблин В.Н. Промышленность и торговля Туркестана. – М.: 1914. - С. 4.

Пахтачилик кишлок хўжалигининг бошқа сохаларига нисбатан кўп меҳнат ва ортиқча ҳаражат талаб қилса-да, бошқа экинларга нисбатан кўпроқ фойда келтирган. Натижада, пахта экишга эътибор кучайган. 2-жадвалдан кўриниб турибдики, ўлкада чоризмнинг ярим асрлик ҳукмронлик даврида бу ерда пахта майдони 7 марта, пахта ялпи ҳосили 140 марта ортган. Айниқса, 1912 йил пахтакорлар учун серҳосил келган. Шу йили энг юқори кўрсаткичга эришилган, яъни 430000 десятина (юза ўлчов бирлиги, 1 десятина-1,0925 гектар) майдонга пахта экилиб, 14 млн. пуд ҳосил олинган.

Чор ҳукумати ўлкани тайёр маҳсулотлар бозорига айлантириш имконига ҳам эга бўлди. Россияда пахтадан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, хусусан, газлама ўлкага тобора кўпроқ миқдорда келтирила бошланди. Шунини таъкидлаш лозимки, ўлкани Россия босиб олгунга қадар, яъни ўзбек хонликлари даврида Сибирь, Волга ва Урал орқали Россияга, асосан, тайёр маҳсулотлар, хусусан, ип ва газламалар чиқарилган. Бу ҳол ўлкада ишлаб чиқариш кучларининг ўсишида муҳим ўрин эгаллаб, ҳунармандчилик ва деҳқончиликнинг самарадорлигини таъминлаган. Аммо, ўлка вақт ўтиши билан тобора Россияни тайёр маҳсулотлари бозорининг истеъмолчисига айланиб борди. Буни 1840-1850 йиллар мобайнида олиб борилган савдо алоқаларидан кўриш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

1840-1850 йиллардаги Россия ва Ўрта Осиё савдо алоқалари¹³

Россиядан Ўрта Осиёга келтирилган молларнинг турлари	Молларнинг қиммати, Сўм (рубль)	Ўрта Осиёдан Россияга юборилган молларнинг турлари	Молларнинг қиммати, Сўм (рубль)
Тилла ва кумуш тангалар	1.530.800	Пахта ва қалава ип	2.747.688
Мис	331.170	Қурук мевалар	208.770
Темир, чўян ва турли металлар ва ундан тайёрланган буюмлар	682.916	Қимматли тошлар	123.727
Ипли газламалар	1.487.863	Газламалар	4.012.028
Ипак ва ярим ипак газламалар	102.805	Ипакли ва ярим ипакли газламалар	137.985
Юнгли моллар	528.381	Юнгли буюмлар	120.22
Чарм моллар	825.556	Қоракўллар, мўйналар ва юнглилар	1.075.702
Сандиқлар	65.875	Кашмир шойиси	161.612
Бўёқ ва бошқалар	438.211	Маряна(рўян)	223.733
Турли моллар	776.695	Турли моллар	178.370
Жами:	6.789.972	Жами:	9.081.037

3-жадвалдан кўриш мумкинки 1840-1850 йилларда Ўрта Осиёдан Россияга ип-газмалар-4.012.028 сўмлик, ипак ва ярим ипак газламалар-137.985 сўмлик ҳажмда юборилган. Россиядан ўлкага келтирилган ипли газламаларнинг ҳажми-1.487.863 сўмни ташкил этган. Аммо, ўлкада чоризм

¹³ “Биржевая ведомость”.1867 -№75.

ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин аҳвол ўзгариб борди. Чунончи, бир томондан рус газламаларини келтириш ошиб борган бўлса, иккинчидан, унинг сотилган пулига пахтани арзон баҳода харид қилиш ҳам кучайган. Пировардида, рус газламаларини, яъни тайёр маҳсулотларни келтириш ҳам тобора ошиб борган. Ўлкага рус газламаларининг кўплаб келтирилиши маҳаллий тўқимачиликка қаттиқ зарба берган. Маҳаллий газламалар рақобатга бардош беролмай ички ва ташқи бозордан тобора кўпроқ сиқиб чиқарилди.

1885 йилда биргина Тошкентда ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш 182.700 сўмни ташкил этган бўлса, 1890 йилга келиб 49.875 сўмга тушиб қолди. Айниқса, маҳаллий газламаларни ишлаб чиқариш жуда пасайиб кетди.¹⁴

Мустамлакачилар ўлкадаги табиий бойликларни ҳам талаганлар. Россиядан ўлкага тайёр саноат молларининг узлуксиз келтирилиши ҳам тараққиётни бўғиб, халқнинг қашшоқланишига олиб келган. Шунинг учун жадидлар моддий бойликларнинг бегоналар қўлидалиги ва уларнинг таланишига қарши курашни муқаддас бурч деб ҳисоблаганлар.

Диссертантнинг илмий-назарий таҳлиллари, кузатишлари асосида чиқарган хулосасига кўра, жадидчилик ҳаракати ижтимоий ривожланиш ва тарихий тараққиётнинг талаб ва эҳтиёжларига жавоб сифатида майдонга келган улкан ижтимоий-сиёсий оқим, ҳаракат эди.

Диссертацияда жадидлар янгилик тарафдорлари, маърифат ва иқтисодий илмнинг миллат равнақи учун аҳамиятини устувор қўйишлиги масаласи таҳлил этилган. Жадидларнинг етук арбобларидан бири Абдулла Авлонийнинг “Иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмакни айтилуру. Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда сўмни аямас. Саховатнинг зидди бахиллик ўлдиғи каби иқтисоднинг зидди исрофдир...”¹⁵ деган фикрлари орқали иқтисодий ғоялари таъкидланган.

Ҳақиқатда ҳам ушбу фикрда жуда чуқур иқтисодий маъно яширинган: биринчидан, муаллиф пулни неъмат, яъни меҳнат билан яратилган маълум қиймат унинг ифодаси деган илмий фикрни билдиради; иккинчидан пул тадбиркорни ва ишбилармонни ёқтириши, фақат шундай кишилар қўлида пул, мол-дунё тўпланишини уқтиради.

А.Фитрат Туркистонни мустақил тараққиёт йўлига олиб чиқишнинг икки йўлини таклиф этади ва бу ғояни рўёбга чиқариш йўлида собит қадамлик билан кураш олиб боради. Мустақилликка эришишнинг биринчи йўли миллатни, халқни ўқимишли, маърифатли қилиш, унинг барча қатламларига зиё тарқатиш, тарихан доимо озод ва мустақил яшашга интилган буюк миллат эканлиги руҳиятини унга сингдириш, дунё халқлари эришган маърифат ва маданиятдан, илмий-техник тараққиётдан баҳраманд бўлиш, одамларда Ватан тақдири ва истиқболи учун масъуллик ҳиссини уйғотиш, метрополия иқтисодиётига хом ашё етказиб берувчи макон бўлиб қолмасликка чақириш, унинг учун иқтисодий

¹⁴ Зиёев Ҳ. Тарих-ўтмиш ва келажак кўзгуси. –Т.: “Адабиёт ва санъат нашр”, 2000.-Б.199-200.

¹⁵ Авлоний А. Танланган асарлар. 1 жилд. –Т.: “Маънавият”, 1998. –Б. 37.

тафаккур, фикрлаш туйғусини сезишга уйғотишдир; иккинчи йўл – Туркистоннинг ўз миллий иқтисодиётини вужудга келтириш, мустақил иқтисодиёт асосларини қуриш, жаҳон иқтисодиёти билан иқтисодий тенглик ва манфаатлилик тамойили асосида ҳамкорликка, интеграцияга киришишдир.

Иқтисодиётнинг харакатлантирувчи кучи рақобат эканлиги маълум. Бирок, рақобат бўлиши учун рақобатчилик муҳити бўлмоғи лозим. Жадидларнинг иқтисодий тафаккурида рақобат ва унинг моҳиятига оид бир қанча иқтисодий қарашлар мавжуд. Абдурауф Фитрат кўл меҳнатига асосланган майда ишлаб чиқариш машаққатли меҳнатни енгиллаштирадиган, маҳсулот қийматини арзонлаштирадиган машинали ишлаб чиқариш билан рақобатлаша олмайди деб фикр билдирган: “...агар туркистонли хунармандлар оврупалилар сингари кўл меҳнатига асосланган корхоналарини доимий фабрикаларга айлантормас эканлар, бир неча йилдан кейин уларнинг шарафли санъатидан ном-нишон қолмайди”.¹⁶ Шу фикрнинг моҳиятидан келиб чиқиб, диссертант одамларнинг даромад топиш манбаи ижтимоий меҳнат тақсимотининг қанчалик ривожланишига боғлиқ, деган нуқтаи назарни илгари суради ва ўз фикрларини А.Фитрат қарашлари билан асослашга ҳаракат қилади. Бирок, бозор иқтисодиёти шаклланаётган даврда кўпчилик кўпроқ тижоратга, савдо-сотикқа эътибор беради. Абдурауф Фитрат ғоясидаги муҳитнинг илмий аҳамиятга эга жиҳати шундаки, у тижоратни даромад топишнинг манбаси эканини эътироф этсада, бирок тижорат билангина бойиш мумкин эмас деб ҳисоблайди. У ёзадики, иқтисодий тараққиётга, фаровон ва обод яшашга олиб келувчи бошқа йўллар ҳам бор. Ана шулардан бири “ихрож саноати”, яъни ер ости бойликларини қазиб олиш ва иккинчиси “аъмол саноати”, яъни ускуналар (фабрика ва зовудлар) яратишдир. Шунингдек, А.Фитрат Туркистон бағрида тилла, мис, темир, тошқўмир, лампа мойи ва бошқа жуда кўп табиий бойликларнинг миқдори мавжуд, улар кони фойда, уларни ишга солиш орқали халқни баҳраманд этиш лозим, деб уқтиради.

Дарҳақиқат, ўша даврда Туркистон ўзининг миллий мустақиллигини қўлга кирита олмаганлиги сабабли ўлканинг ер ости бойликлари бир неча ўн йиллар мустамлакачилар томонидан қазиб олиниб, ташиб кетилди. Ҳатто шунчаликка борилдики, тоғ-кон саноатида, хусусан олтин ва бошқа рангли металлар ишлаб чиқариш жабҳасига ўзбек ишчи ва мутахассислари яқинлаштирилмади, бу улкан бойликларнинг бир мисқолидан ҳам шу бойликларнинг ҳақиқий эгаси бўлган ўзбек халқи баҳраманд этилмади.

Жадидларнинг ер ости ва усти бойликларига эгалик қилиш борасида бундан 100 йил илгари билдирган эслатмалари бугунги мустақиллик шароитида яна ҳам қимматлидир. Бунинг маъноси шуки, мустақилликнинг асосларидан бири бўлмиш ер ости бойликларини ўзлаштириш, бу улкан имкониятни Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга сафарбар қилиш кечиктирилмайдиган вазифалардан биридир.

¹⁶ Фитрат А. Танланган асарлар. 1 жилд. – Т.: “Маънавият”, 2000. - Б. 143.

Албатта, ер ости бойликларини ўзлаштириш ва халқ фаровонлигига йўналтириш учун, энг аввало, юқори малакали мутахассислар, илғор илм ва техника билан қуролланган ишчилар зарур. Бугунги Ўзбекистонда минглаб замонавий дастгоҳларни ишлатувчи юқори малакали мутахассислар бор. Бунинг устига қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида ўнлаб олий ўқув юртлари ва юзлаб техника касб-хунар коллежлари малакали кадрлар тайёрламоқда.

Тадқиқотда жадидчилик вакилларининг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ҳақидаги ғоялари, мамлакат иқтисодий тараққиётига қўшган ҳиссаси чуқур таҳлил этилади. Улар мамлакатда иқтисодий маконни ташкил қилиш, мулкдорларга ҳуқуқий кафолатлар бериш, мактаб-маориф тизимини янгилаш, халққа маъқул диний сиёсат олиб бориш, фан, бошқарув, ишлаб чиқариш, иқтисодиётнинг муҳим бўғини бўлган қишлоқ хўжалиги, пахтачиликнинг агротехникасини такомиллаштиришга доир қарашлари билан ислоҳотчилик ғояларини илгари сурганликлари диссертацияда батафсил таҳлил этилган ва таснифлаб чиқилган (2-расм).




2-расм. Жадидларнинг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ҳақидаги ғоялари¹⁷

Жадидлар Туркистон қишлоқларида ижтимоий-иқтисодий аҳвол ғоят ачинарли эканлигини таъкидлашиб, бунинг боиси қишлоқ хўжалигининг замонавий талаб ва тараққиётдан жуда орқада қолиши деб билдилар. Улар ердан самарали фойдаланилмасликнинг сабаби ерга хосил бериш даражасида

¹⁷ Муаллиф томонидан тузилган.

меҳнат қилинмаслиги, яъни ерларнинг имкониятича ҳосил олинмаслигидадир, – деб кўрсатадилар. Тадқиқот ишида жаҳидларнинг аграр соҳа самарадорлигини ошириш ҳақидаги ғоялари чуқур тадқиқ этилган ҳамда туркумланган (3-расм).



3-расм. Жаҳидларнинг аграр соҳа самарадорлигини ошириш ҳақидаги ғоялари¹⁸

Жаҳидлар, уларнинг етук арбоблари Ватан озодлиги ва мустақиллигининг моддий ва маънавий асосларини яратиш, ана шу асосда миллатнинг ўз мустақиллиги учун курашини илмий даражага кўтариш мақсадларини кўзлаганлар.

Тадқиқот ишида жаҳидларнинг савдо-тижорат фаолиятини илмий асосда ташкил этиш ҳақидаги қараш ва ёндошувлари қиёсий таҳлил асосида

¹⁸ Муаллиф томонидан тузилган.


ўрганилган. Иқтисодиётда савдо-тижорат катта ўрин тутди. У ишлаб чиқариш билан истеъмолни бир-бирига боғлайди. Савдо қанча мукамал йўлга қўйилган бўлса, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар исроф бўлмай, жамият томонидан сифатли ҳолда истеъмол қилинади, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларнинг айланиши ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиш суръатлари тезлашади, самарадорлиги ошади. Жаидлар ҳам Туркистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири бўлган савдо-тижорат фаолиятини яхши тушунар эдилар. Тадқиқот ишида жаидларнинг савдо-тижорат фаолиятини ривожлантиришга қаратилган фикр, мулоҳазалари тадқиқ этилган ва тизимлаштирилган (4-расмга қarang).

Жаидларнинг савдо-тижорат фаолиятини илмий асосда ташкил этиш ҳақидаги ғоялари ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ривожланаётган мамлакатимиз савдо-тижорат ишларини такомиллаштириш учун хизмат қилади. Жаидлар мамлакатни обод қилиш, тараққиётга эришишда илм-маърифатнинг роли қанчалик юксак бўлса, савдо-тижоратни йўлга қўйишнинг аҳамияти шу қадар каттадир, деган ғояни олға сурдилар. Бинобарин, улар савдо ходимларининг илми, маданиятли бўлишига уларнинг маънавий оламини бойитиш зарурлигига катта эътибор бердилар.

Тадқиқот ишида жаидларнинг тадбиркорлик тўғрисидаги қарашлари ўзбек халқи менталитетининг ифодаси эканлиги илмий ҳамда амалий жиҳатдан тадқиқ этилган. Жаидлар иқтисодий қарашларидаги феноменал (ноёб) ходиса - тадбиркорлик билан боғлиқ бўлган қарашлардир. Бинобарин, улар яшаган давр муҳитида тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳақида муайян ғоя ва қарашларни назарий жиҳатдан асослашга уриниш ҳақиқатда ҳам ҳайратланарли эди. Буни қуйидаги фикрлар ҳам тасдиқлайди. Ҳинд сайёҳларидан бири Қаршилик усталарга мурожаат қилиб, “Ҳурматли уста, Оврупа халқлари, агар бирор ишга қўл урсалар, шу ишларнинг ўн йил, йигирма йил, ҳаттоки юз - икки юз йил кейинги ривожини кўзда тутадилар. Сиз-Қарши халқи ҳам жуда юксак ҳунарга эгасиз. Ана шу ҳунарларингни келгуси тақдирини ҳеч ўйламайсизларми?” Шунча гапдан кейин ҳам уста ўзининг қотиб қолган фикридан силжимади. “Ҳозир ишимиз яхши, ўн йил кейин ким тиригу, ким ўлук?”,¹⁹ деб қўя қолади. Ушбу фикр ўша давр муҳитида жамиятни муайян ўзига хос илғор қатлами бўлган ҳунармандларнинг деярли барчасига хос бўлган ижтимоий фикр бўлиб, уларда тадбиркорлик ишбилармонликка нисбатан қизиқиш, иштиёқ, ундан манфаат кўришга ишонч йўқ эди. Муайян тадбиркорлик ҳислатига эга бўлган кишилар эса умумий оқим ва йўналиш таъсирида ўзларидаги ана шу фазилатларни намоён қила олмас эдилар. Тадбирсизлик алалхусус уларни ишсиз қолишига олиб келди.

¹⁹ Фитрат А. Танланган асарлар. 1 жилд. –Т.: “Маънавият”, 2000. –Б.141.

Жадидларнинг савдо-тижорат фаолиятини илмий асосда ташкил этиш ҳақидаги ғоялари



4-расм. Жадидларнинг савдо-тижорат фаолиятини илмий асосда ташкил этиш ҳақидаги ғоялари²⁰

²⁰ Муаллиф томонидан тузилган.

Тадқиқотда таъкидланганидек, кейинчалик европаликлар туркистонликлар ишлаб чиқариб келган товарларни ўз фабрикаларида чиройли, сифатли қилиб ишлаб чиқариб, Туркистон бозорларини тўлдириб юбордилар. Табиийки, харидорлар Европанинг сифатли товарларини сотиб ола бошладилар. Натижада Туркистондаги хунармандлар инқирозга юз тутдилар.

Агар улар ҳам “ўн йилдан кейин ким тиригу ким ўлук” деб ўтирмасалар эди, ўзларининг карбос тўқувчи, чинни ва софол ясовчи дастгоҳларини кўпайтириб, жуда қисқа вақт ичида тор дўкон ва вайрона уйларини катта-катта магазинлар ва йирик мрамар биноларга айлантирар эдилар.

Муаллиф ана шу таҳлиллар асосида жадидчилик давридаги ижтимоий муҳит ва кишиларнинг иқтисодий тафаккуридаги турғунлик ҳолатларини кўрсатиб бера олган. А.Фитратнинг фикрига ҳамоҳанг тарзда А.Чўлпоннинг куйидаги фикрларида ҳам тадбиркорликни ҳар бир халқ миллат равнақи учун зарурлиги ғояси мантиқан ўз ифодасини топган. “Ҳар куни газеталарда - деб ёзади А.Чўлпон “Фалоний синди”, “Фалонийни вексели протест бўлди, дўкони печатланди” деганга ўхшаш кўрқинчлик хабарларни ўқиб эшитмоқда ва кўриб билмоқда бўлсак ҳам, аммо ибратланмаймиз. Сабабини ҳеч текширмаймиз. Ёлғиз “Бозор касод” деб ўта берамиз. Аммо бозорни касодлиғига нима сабаб эканлигини текширмаймиз.”²¹ А.Чўлпон миллатдошларининг иқтисодий билимларни эгаллашлари ва уларни хорижий ишбилармонлар билан ҳақиқий рақобат қила оладиган тадбиркору тижоратчилар бўлиб етишишини орзу қилади. Бу орзусини “Кеча ва кундуз” романидаги Мирёқуб тимсолидаги тадбиркор ишбилармон киши образида ифодаланганлиги ҳам бежиз эмас. Диссертацияда жадидларнинг тадбиркорлик ҳақидаги қарашларини бугунги кун учун аҳамияти кенг ёритилган.

Жадидлар хориж техника-технологияси, сармоя ва тажрибасини жалб этиш миллий тараққиётнинг кучли омили эканлигини яхши тушунар эдилар.

Абдурауф Фитрат ўз ватанини ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлига ва халқни фаровон ҳаёт тарзига олиб чиқишнинг асосий йўли Туркистонга Европа фани, маданияти, техника-технологияси, сармоя ва илғор тажрибасини кенг миқёсда ва тез суръатлар билан киритишда деб билди. Бу йўлда иккиланиш, ғайридин илми ва техникасини киритишдан чўчимаслик, саросимага тушмаслик, орият қилмаслик керак, деб таълим берди. Чунки, - дейди олим, - Европа халқлари ҳам бир вақтлар ғоят қоқ ва кашшоқ бўлишган бир даврда Шарқ фани, маданияти, тажриба ва амалиётини қўллаш орқали юксак тараққиётга чиқиб олганлар.

А.Фитрат халқни Европа фани, техникаси, сармояси ва тажрибасини миллий иқтисодиёт равнақи учун уялмасдан, тортинмасдан жалб этиш керак деб даъват қилганида худди ана шу тамал тошни назарда тутди. Шундай қилиб, ёзувчи халқни илғор Европа фани, саноати, техникасини эгаллашга, ўз

²¹ Чўлпон А. Ватанимиз Туркистонда темир йўллар. // “Садои Фарғона”, 1914

юртларини тараққий эттиришга чақиради. Бунда ҳеч қандай ғайритабiiйлик йўқлигини исботлайди.

Тадқиқотнинг эътиборли томони шундан иборатки, унда жадиждларнинг мамлакат иқтисодиёти учун зарур бўлган банклар фаолияти ҳақидаги концептуал ғоялари чуқур таҳлил қилинган.

Жадиждлар Туркистон иқтисодиётига эндигина кириб келаётган банк фаолиятининг ғоят кераклиги ва фойдали эканини бошқалардан кўра илгарироқ англаб етдилар. Шунингдек, улар иқтисодиётга кириб келаётган банк фаолияти билан боғлиқ янги иқтисодий муносабатлар (иқтисодий категориялар) моҳиятини чуқур тушуниб етдилар, улар фақат фойда келтириш, фойдани кўпайтириш воситалари бўлишини мантиқан илғадилар.

С.Миржалиловнинг Туркистондаги мавжуд банклар мақоласида ўлканинг иқтисодий таянчи ҳисобланган ана шу муассасаларни давлат банки, акционерлик банки, жамият ва заёмли кредит банкларига ажратган.²² Ушбу мақола хусусиятига кўра қиёсий-таҳлилий ҳамда танқидий характерга эга бўлиб, муаллиф ўлкадаги мавжуд банк турлари ва уларнинг фаолиятини таҳлил қилган. Банклар фаолиятини қиёсий таҳлил қилиш орқали уларда юзага келган муаммоларнинг асл сабабларини очиб берган ва унга сабабчи бўлаётган омилларни танқид қилган.

Туркистон тараққийпарварларидан бири Мухтор Бакр ўз мақоласида миллий бойликларнинг кўпайишига, савдо ва тижоратнинг ривожланишига сабаб бўлувчи бош омиллардан бири миллий банк очиш масаласини кўтариб чиққан. Муаллифнинг ушбу мақоласи жадиждларнинг иқтисодий қарашларини акс эттирувчи материал бўлибгина қолмай, Туркистон иқтисодиётининг муҳим бўғини ҳисобланган банк тизими ҳақида гувоҳлик берувчи қиёсий-таҳлилий тавсифдаги тадқиқотдир. Чунки унда муаллиф Туркистонликлар билан яҳудийларнинг банкдан фойдаланиш даражасини солиштириш орқали ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни кўрсатиб берган.

Жадиждлар ўз асарларида банклар шунчаки хўжалик субъектлари (қатнашчилари) ўртасидаги воситачигина бўлиб қолмай, балки муомала қатнашчилари ўртасида маълум бир рақобат муҳитини вужудга келтирувчи молиявий муассаса ҳам эканини кўрсатиб бердилар. Чунки, банклар турли даражадаги иқтисодий, олди-сотди муносабатларида ҳам қатнашадилар.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг жадиждлар орзулари ушалди. Бугунги кунда мамлакатимизда Марказий банк, Миллий банк, хорижий капитал иштирокидаги банклар, хусусий банклар, акциядорлик тижорат банклари ташкил бўлиб фаолият кўрсатиб келмоқда. Жадиждлар томонидан илгари сурилган банклар фаолияти тўғрисидаги ғоялар ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ривожланаётган мустақил диёримизда банклар фаолиятини яна ҳам ривожланиб такомиллашишига хизмат қилади.

Юқоридаги фикрлардан аёнки, жадиждлар илгари сурган ғоялар бугунги кундаги мустақил мамлакатимизнинг бозор иқтисодиёти йўлидаги ислохотлари

²² Миржалилов С. Банклар ҳақида.//Садои Туркистон. 1914 йил 20 июнь.

билан ҳамоҳангдир. Зеро, ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг бош вазифаси ҳам хорижий инвестицияларни, техника-технологияларни миллий иқтисодиётга киритиш, миллий бозорларимизни ривожлантириб мамлакатимизни жаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашуви асосида миллий хўжаликнинг таркибини миллат ва халқ манфаати нуқтаи назаридан ўзгартиришга хизмат қилмоғи зарур.

ХУЛОСА

Жадидлар иқтисодий ғояларини ўрганишнинг назарий ва услубий йўллари тадқиқ этиш жараёнида қуйидаги илмий хулосалар олинди:

1. XIX аср охири ва XX аср бошларидаги Туркистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини илмий-назарий таҳлил этиш, тарихий далиллар асосида жадид маърифатпарварлари фаолиятини юзага келтирган моддий-иқтисодий омилларни янада чуқур ўрганиш, уларнинг миллий иқтисодиётни ривождаги ўрни ва аҳамиятини ўрганишга доир келгусида фундаментал тадқиқотлар олиб боришни давом эттириш кераклигини кўрсатди.

2. Миллий давлатчилик ғоясининг муҳим асоси бўлган иқтисодиётни такомиллаштириш билан боғлиқ назарий масалаларни жадидлар иқтисодий қарашларининг тарихий, ижтимоий-иқтисодий асосларини чуқур таҳлил этиш, ундаги концептуал илмий ғояларни тарихийлик ва замонавийлик нуқтаи назардан давримизнинг янгиланаётган ижтимоий жараёнлар, янгича иқтисодий тафаккур билан уйғунлигини таъминлаш имконини беради.

3. Миллий иқтисодиётни тиклаш, ундаги таркибий ўзгаришларни модернизация талаблари асосида такомиллаштириб боришда жадид маърифатпарварларининг иқтисодий қарашларидаги муҳим назарий хулосаларидан фойдаланиш амалиётини йўлга қўйиш зарур.

4. Жадидларнинг жамият, миллат ва халқ ҳаётидаги муҳим соҳалар иқтисодий, ижтимоий, маърифий, сиёсий жараёнларни ислоҳ қилиш ҳақидаги назарий қарашларини, глобал ўзгаришлар шароитидаги ислоҳотчилик фаолиятига тадбиқ этиб бориш керак.

5. Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириб бориш шароитида мамлакат кишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ишларни янада яхшилаш, аграр ислоҳотларнинг илмий-назарий асосларини миллий менталитет талабларидан келиб чиқиб мустаҳкамлашда жадидларнинг аграр ислоҳотлар ҳақидаги ғоялари, илмий қарашларидан узлуксиз ва танқидий равишда давр руҳига мослаб фойдаланиш лозим.

6. Жадидларнинг савдо-тижорат фаолиятини илмий асосда ташкил этиш ҳақидаги концептуал ғояларини илмий изчилликда мунтазам ўрганиб бориш, уни бугунги кун ижтимоий амалиётига қўллаш механизми услуб ва воситаларини шакллантиришга доир рисоалар, илмий-услубий қўлланмалар яратиш ҳамда савдо-тижорат соҳаси билан шуғулланувчи масъул шахслар, хизматчилар фаолиятига кенг тадбиқ этиш жоиз.

7. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик фаолиятини янада такомиллаштириш, тадбиркорлик маданияти, ишбилармонлик фазилатларини кишилар руҳияти амалий фаолиятига сингдиришда жадиждларнинг назарий ғоялари ва қарашларини омма орасида кенг тарғиб этувчи теледастурлар, рекламалар, видеороликлар мажмуини яратиш зарур.

8. Жадиждларнинг миллий иқтисодиётга хориж сармояларини, илғор техника ва технологияларни жалб этиш ҳақидаги қарашларини ўрганувчи илмий марказлар, жамғармалар ташкил этиш керак.

9. Халқнинг моддий турмуш шароити, фаровонлигини таъминлашнинг кафолати ҳисобланган банк тизимини ривожлантириш ва фаолиятини янада яхшилашга доир илмий-назарий хулосаларни шакллантиришда жадиждларнинг қарашларидаги илғор ғояларни ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш зарур.

Ушбу хулосаларга асосланиб, диссертация ишида қуйидаги илмий таклифлар ишлаб чиқилган:

- жадиждлар иқтисодий ғоялари бўйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориш;

- жадиждлар иқтисодий ғояларига хос алоҳида адабиётлар чоп этиш;

- “Иқтисодиёт назарияси”, “Иқтисодий таълимотлар тарихи”, “Иқтисодий тарбия назарияси”, “Замонавий иқтисодий таълимотлар” фанларидан тайёрланган намунавий дастур ва маърузалар курсларига жадиждлар иқтисодий ғояларини киритиш ва талабаларга ўргатиш;

- иқтисодиётимизда бозор муносабатларининг шаклланиб бориши муносабати билан ўрганилаётган бир қанча иқтисодий категориялар, атамаларнинг чуқур мазмунини очиб беришда жадиждлар асарларидан ҳам илмий манбалар сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Раҳимов Р. Тараққиёт буюк ғоялар замирида шаклланади //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2000, № 11-12. –Б. 58.

2. Раҳимов Р. Жадиждчилик–истиклол даври ўзгаришларининг маънавий даракчиси.//Ўзбек халқи миллий–озодлик ҳаракатининг тарихий муаммолари. Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва ютуқлари (1867-2001 йиллар) мавзусидаги республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Андижон, 2001. – Б. 31–33.

3. Раҳимов Р. Жадиждлар таълимотида иқтисодиётни ислоҳ қилиш масаласи. //XXI аср фани: муаммолар ва ечимлар. Андижон вилояти олий ўқув юртлари иқтидорли талабалари ва ёш олимларининг илмий анжумани материаллари.– Андижон, 2003. – Б. 104–106.

4. Йўлдошев Қ., Раҳимов Р. Жадиждларнинг аграр соҳа самарадорлигини ошириш ва миллий иқтисодиётга хорижий сармояларни, илғор техника технологияларни жалб этиш ҳақидаги қарашлари. // Қишлоқ хўжалигида қўлланилаётган машина қисмларини тиклаш ва чидамлилигини оширишда

металл кукунларидан фойдаланиш мавзусидаги Республика илмий-техник конференцияси материаллари. – Андижон, 2003. – Б. 219–222.

5. Раҳимов Р. Вопросы предпринимательства и коммерции в воззрениях джадидов. // Актуальные проблемы современной науки.– Москва, 2003. - №1. – С. 15-16.

6. Йўлдошев Қ., Раҳимов Р. Маърифатпарварларнинг савдо тижорат ишларини илмий асосда куриш ҳақидаги ғоялари.// Қува (Қубо) асрлар нигоҳида мавзусидаги Республика илмий-амалий семинар материаллари. – Фарғона, 2006. – Б. 99–101.

7. Йўлдошев Қ., Раҳимов Р., Солиев Ш. Абдулхамид Чўлпоннинг иқтисодий қарашлари. //Илмий хабарлар (илова тўплам). – Фарғона, 2007. – Б. 44–46.

8. Раҳимов Р. Ўзбек маърифатпарварлари савдо-тижорат ҳақида.//Жамият ва бошқарув.– Тошкент, 2008. №3 –Б.63–65.

9. Азимжонов Н. Раҳимов Р. Ўзбек маърифатпарварларининг миллий иқтисодиётга хорижий сармояларни, илғор техника ва технологияларни жалб этиш ғоялари.//Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашда таълим, фан ва ишлаб чиқариш бирлиги. – Андижон, 2009. – Б.186–190.

10. Раҳимов Р.К. Ўзбек маърифатпарварлари аграр соҳа самарадорлигини ошириш ҳақида.// Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти ташкил топганлигининг 15 йиллигига бағишланган “Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида республика иқтисодиёти муаммолари ва ечимлари” республика илмий-амалий ва техник анжумани. – Андижон, 2010. – Б.139–142.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Рахимов Рустамжон Каримовичнинг 08.00.01 – “Иқтисодий назария” ихтисослиги бўйича «Жадидлар иқтисодий ғоялари ва уларнинг бозор муносабатларини ривожлантиришдаги аҳамияти» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: жадидлар, бозор иқтисодиёти, тижорат, зироат, саноат, мулкдор, бозор, ихрож саноати, аъмол саноати, миллий иқтисодиёт, аграр соҳа, тадбиркорлик, хорижий сармоя, сарф-харажат, банк.

Тадқиқот объекти: жадидлар қарашларида Туркистон ўлкасидаги иқтисодий тараққиёт муаммолари талқини ва уларни миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни.

Ишнинг мақсади: жадидлар иқтисодий ғояларининг бозор муносабатларини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаш, уларга оид илмий хулосалар ва амалий таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари: тарихийлик, мантиқийлик, илмий абстракция, қиёсий таҳлил, иқтисодий- статистик таҳлил.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: жадидлар иқтисодий ғояларининг бозор муносабатларини ривожлантиришдаги аҳамияти илмий асосланган; Ўзбекистон иқтисодиётининг мустамлакачилик давридаги ижтимоий-иқтисодий ҳолати таҳлил қилинган ва ўша даврда мавжуд бўлган муаммолар ўрганилган; жадидларнинг миллий хўжаликнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашмасдан иқтисодий тараққиётга эришиб бўлмаслиги ҳақидаги ғояларининг миллий тараққиёт учун аҳамияти илмий таҳлил қилинган ва уларнинг бугунги кундаги долзарблиги кўрсатилган; жадидларнинг Туркистон табиий ресурсларни саноат асосида қайта ишлаш орқалигина ривожланиши мумкинлиги тўғрисидаги ғояларининг ҳозирги даврдаги иқтисодий ислоҳотлар жараёнида муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этиши тавсифланган; жадидларнинг иқтисодий ғоялари ва уларнинг бозор муносабатларини ривожлантиришдаги илмий аҳамиятидан келиб чиқиб, улардан илмий адабиётлар ва дарсликлар тайёрлашда, ёш авлоднинг иқтисодий тафаккурини шакллантиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида таклифлар ишлаб чиқилган.

Амалий аҳамияти: Тадқиқот натижасида олинган илмий хулосалар ва амалий таклифларнинг аҳамияти мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, аграр иқтисодиёт, банклар фаолияти, фермер хўжаликларини ривожлантириш муаммоларини чуқур таҳлил этишга бағишланган илмий-тадқиқот ишларида манба сифатида қўлланилиши билан белгиланади. Диссертация иши материалларидан олий ўқув юртларида “Иқтисодиёт назарияси”, “Иқтисодий таълимотлар тарихи”, “Тадбиркорлик ва кичик бизнес асослари”, “Иқтисодий тарбия назарияси” ва “Замонавий иқтисодий таълимотлар” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Тадқиқот натижалари ва амалий таклифлари Ўзбекистон Республикаси Савдо – саноат палатаси Андижон вилояти худудий бошқармаси, Андижон вилояти иқтисодиёт Бош бошқармаси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Андижон худудий ахборот – таҳлил маркази томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган. Тадқиқот материаллари Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтида “Иқтисодиёт назарияси”, “Иқтисодий таълимотлар тарихи”, “Иқтисодий тарбия назарияси” фанларини ўқитишда фойдаланилмоқда.

Қўлланилиш соҳаси: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Савдо – саноат палатаси, Андижон вилоят иқтисодиёт Бош бошқармаси ва олий ўқув юртлари.

РЕЗЮМЕ

диссертации Рахимова Рустамджона Каримовича на тему: “Экономические идеи джадидов и их значения в развитии рыночных отношений” на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.01 – «Экономическая теория»

Ключевые слова: джадиды, рыночная экономика, коммерция, растениеводство, промышленность, собственник, рынок, добывающая промышленность, обрабатывающая промышленность, национальная экономика, аграрная сфера, предпринимательство, иностранные инвестиции, затраты, банк.

Объекты исследования: интерпритация проблем экономического прогресса в Туркистанском крае во взглядах джадидов и их место в развитии национальной экономики.

Цель работы: выявление места и значения экономических идей джадидов в развитии рыночных отношений, разработка соответствующих научных выводов и практических предложений.

Методы исследования: исторический, логический, научная абстракция, сравнительный анализ, экономико-статистический анализ.

Полученные результаты и их новизна: научно обоснована значение экономических идей джадидов в развитии рыночных отношений; проанализировано социально-экономическое состояние экономики Узбекистана в колониальный период и изучены существующие в то время проблемы; проанализировано значение идеи джадидов о независимости достичь экономического прогресса без интеграции национального хозяйства в мировую экономику и показана его актуальность в сегодняшний день; охарактеризовано теоретическое и практическое значение идеи джадидов в современный период экономических реформ о том, что Туркистан сможет развиваться только через переработки природных ресурсов на промышленной основе; исходя из экономических идеи джадидов и их научного значения в развитии рыночных отношений разработаны предложения по целесообразности их использования в подготовке научной литературы и учебников, в формировании экономического мышления молодежи.

Практическая значимость: полученных научных выводов и практических предложений могут быть применены в качестве источника научно-исследовательских работ направленных на глубокий анализ проблем развития в нашей стране малого бизнеса и частного предпринимательства, аграрной экономики, деятельности банков и фермерских хозяйств. Материалы диссертационной работы также могут быть использованы в высших учебных заведениях в совершенствовании учебных программ и преподавании курсов «Экономическая теория», «История экономических учений», «Основы предпринимательство и малого бизнеса» и «Теория экономического воспитания» и «Современные экономические учения».

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования и практические предложения приняты Андижанским областным территориальным управлением Торгово - промышленность палаты Республики Узбекистан, Главным управлением экономики Андижанской области и Андижанским территориальным информационно – аналитическим центром института изучения гражданского общества для практического внедрения. Материалы исследования используется в Андижанском инженерно-экономическом институте в преподавании курсов «Экономическая теория», «История экономических учений» и «Теория экономического воспитания».

Область применения: Министерство высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан, Министерство экономики Республики Узбекистан, Торгово-промышленная палата Республики Узбекистан, Главное управление экономики Андижанской области, высшие учебные заведения.

RESUME

Thesis of Rahimov Rustamjon Karimovich on the scientific degree competition of the candidate of economy sciences in the specialty 08.00.01 – “Economic theory” subject: “Economic ideas of jadids and their importance in the development of market relations”

Key words: jadids and market economy, commerce, market of extractive industry, manufacturing industry, national economy, agrarian sphere, entrepreneurship, foreign investments, costs, bank.

Subjects of the research: interpretation of problems of economic progress of Turkestan area in the views of jadids and their place in the development of national economy.

Purpose of work: to reveal the place and the importance of economic ideas of jadids in the development of market relations, to work out corresponding scientific conclusions and practical suggestions.

Methods of research: historical, logic, scientific abstraction, system comparative analysis, economic and statistic analysis.

The results obtained and their novelty: the importance of economic ideas of jadids in the development of market relations was scientifically substantiated; analysis of social-economic status of Uzbekistan economy in the bygone colonial period was carried out as well as the problems of that period were studied; the importance of ideas of jadids on independence to achieve economic progress without integrating national economy into the world economy, its urgency of today were analysed and shown; theoretical and practical importance of the ideas of jadids in the modern period of economic reforms lies in the fact that Turkestan would be able to develop only through processing natural resources on industrial basis; proceeding from economic ideas of jadids and their scientific value in the development of market relations, the suggestions on the need for their use when preparing scientific literature and textbooks, in shaping economic thinking among the youth were worked out.

Practical value: the obtained scientific conclusions and practical suggestions can be used as a source of research works aimed at studying deep analyses of the problems of development of small businesses and private entrepreneurship, agrarian economy, bank activities and farming in our country. The material of the dissertation can also be used in the institutions of higher learning in improving syllabus and teaching courses “Economic theory”, “History of economic doctrines”, “Fundamentals of entrepreneurship and small businesses” and “Theory of economic education” and “Modern Economic doctrines”.

Degree of embed and economic effectivity: the results of research and practical suggestions were adopted by Andijan regional and territorial board, Chamber of Trade and Industry of the republic of Uzbekistan, Andijan territorial information and analytical centre of the Institute for studying civil society, as well as by Central board of Economy of Andijan region for practical implementation. The materials of research are used at Andijon engineering and economic institute in teaching courses “Economic theory”, “History of economic doctrines” and “Theory of economic education”.

Field of application: Ministry of Higher and secondary specialized Education of the republic of Uzbekistan, Ministry of Economy of the republic of Uzbekistan. Chamber of Trade and Industry of the republic of Uzbekistan, Central board of Economy of Andijan region, institutions of higher learning.

Тадқиқодчи